мизга боғлиқ экан. Бир жонлиқ мисол. Биз Тай-
лоқ тўманидаги ҳўянилардан бирори исти-
қомат қўласкада, шаронт тақозоси билан Ургут
тўманидаги Боги Усмон саҳалонасида узоқ
йиллардан бўён ишлаб келамиш. Ишга асосан
«Самарқанд-Ургут» йўналишидаги автобуслар-
да қатнашади. Қисқаси, бигза ҳар бир ҳайдовчи,
автобуслар танини бўлиб кетган. Эрталаб кўча-
га чиқиб туримиз, кўпчилик ҳайдовчилар кўр-
маганга олиб тўхтамай ўтиб кетишиди. Ростдан
автобус лиқ тўла кўринади, пастдан қараган
кишига. Лекин, Самарқанднинг 14-автоборхон-
асида қарашли «06-85» рақамли Аҳрор ака
Исрорлонинг автобусини кўрсан ҳечрази
ёришади. Ҳатто автобус лиқ тўла пайтлар
ҳам тўхтайди. Мехрли боқишиларининг замири-
да «иззлар ҳам одамлар саломатлиги ғамид
юрибисизлар, ишга вақтида боришларингиз, бе-

морлар дардига вақтида малҳам қўйиши-
нинг кераки каби маъно аланганини тур-
ди. Аҳрор ака ҳам бундай пайтлари бошқалар
қатори бизни кўрмаганга олиб ўтиш кетиши
мумкин эди. Лекин... Бу инсон юқорида ан-
ганимиз, инсонийликни пул остига қолиб
кетишидан асралётган инсофилиардан бири
дегимиз келади.

Бизнинг умид билан қўл силкишларимизга
тұхтамай ўтиб кетаётган ҳайдовчилар номини
аттайнан ёзмадик. Яхши инсонни ёздики, иллю
бошқаларнинг ҳам бундай инсондан ўрнак
олишларни истаймиз. Бир-бirimизга яхши
лик қиласкади азизлар!

Сайдназаров номли давлат ҳўяниларига
истиқомат қиливчи бир гурӯх табобат
ходимлари номидан: Санталатхон АСРОРХОН
қизи, Хуррами МУМИН қизи, Мунаввар
ТЕМУРХОН қизи.

«Оила ва жамият» 16 (87)

Оила

60 ЁШДА

Тошкент шаҳрида шахсий участкам бор. Аёлим вафот этган. 4 нафар фарзандинни уйли-жойли қўлганман. Машнавий ва жисмонан соғлом, мусулмонликка хос ҳалол топиб, ҳалол яшаяпман. 40—50 ёшдаги, бир-икки болали ёки ёлгиз ҳалол-покиза аёлни тақдир қўлса, умр бўйин тутув яшашин истайман. Қўйси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ. «Оила—179».

38 ЁШДА

Қаҳшадарёлийман. Раҳматли турмуш ўртоғим қазо қилган. Шахрисабз шаҳрида шахсий ўй-жойномда тураман. 40—55 ёш атрофидаги мусулмон киши билан яхши имядта турмуш кўрмоқчиман. «Оила—180»

60 ЁШДА

Тошкент шаҳар ҳалқа йўлига яқин жойда яшайман. Раҳматли аёлим дунёдан ўтган. Елғизман. Фарзандларим ўзидан тинчиган. Катта ҳовлида алоҳидаги ўйим бор. Муслума бир аёл бўлса қолган умримизни бирга ўтказак дейман. «Оила—181»

Табриклиймиз!



Мехрибон
ФАЗИЛАТ она-

мизни муборак 100 ёшлари билан табриклийман. 120 нафар невара, чевара, эваралари номидан ЮСУФЖОН ЭРОНОВ. Пастдарғом тўмани Хончарбог давлат хўжалиги.

ОНАЖОН!
Сизни тугилган
кунингиз
билин табриклиймиз.
узоқ умр, сиҳат-саломатлик
тилаимиз. Фарзандларингиз
БАХТИЕР, ГУЛНОРА, ГУЛ-
САРА, ТОҲИРЖОН, непа-
ранеиз МИРАЗИЖОН.

ҚУВОНДИК!
Таваллуд кунинг 22-апрел
билин қутлайман. Сенга узоқ
умр ва баҳт ёр бўлсин.
Дўстинг Қайнар АЛЛАШЕВ

Севимли азъонимиз РАҲ-
НО ҲУСАЙНЖОН қизи
(МИРЗАКИРОМОВА!) Таваллуд
кунингиз билан табриклиймиз. Сизга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик тиляймиз.
ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

* * *
Азиз ва меҳрибон онажоним
БУВНИСА ҚУЛМАТО-
ВА! Сизни 22 апрелда 65 ёнга
тўлишингиз муносабати
билан муборакбод этаман.
Сизга узоқ умр, соглиқ ва
барча эзгу тилакларни тиляп
қўючи ўғлиниңиз БЕГИМ-
КУЛ. Жиззах тумани.

* * *
Дориҳоналар бошқармаси
ҳисобчиси ЛОЛАХОН! Сизни
таваллуд айменингиз билан
табриклиймиз. Фарзандла-
рингизнинг роҳатини кўринг,
деб ҲАМКАСБЛАРИНГИЗ.

ОБУНА ЯНГИЧА ТАРТИБДА БЎЛАДИ!

Азиз муштарийлар! Аввал ҳабар берганимиздек, «Оила ва жамият»га ўйланинг иккича ярмига қайта обуна бошланди. Обуна баҳоси янги тартибда аниқланмоқда. Яъни обуна каталогига киритиладиган обуна баҳоси газетни вилоятлар марказига етказиб беришгача бўлган харажатлардан келиб чиқиб белгиланди. Маҳаллий алоқа бошқармалари эса унга ёз харажатлари баҳосини қўшишиади. Шу босидан каталогдаги обуна баҳоси билан маҳаллий алоқа бўлнимидагилар сизга айтган (кўрсанг) обуна баҳоси ўртасидаги тафовутни кўриб ҳайрон бўлманг.

1993 йылнинг иккича ярми учун «Оила ва жамият»нинг обуна каталогидаги баҳоси қўшидаги:

1 ойга—44 сўм 10 тийин.
3 ойга—132 сўм 30 тийин.
6 ойга—264 сўм 60 тийин.

Эслатиб ўтамиш: 1993 йил учун тўлиқ обуна бўлганлар хонадонига «Оила ва жамият» 1 шонгача боради. Феврал, март, апрел ойларидан бошлаб обуна бўлганлар эса газетни тегишили равишда биринчи... июл, август, сентябргача олишади. Май ойидан эса янги баҳода обуна бошланди.

Азиз муҳлислар! Севимли газетингизга обуна бўлишини унутман!



АНА, АНА, ОЛТИН БАЛИҚЧА, ОИИ!

Суратчи: С. МАҲКАМОВ



Хурматли дўстимиз ва ҳарбий сафдошимиз БАХТИЕР! ДИЛБАРХОН билан сизни «Оила ва жамият» ҳафтномаси орқали танишиб, мустаҳкам оила қурганликларингиз муносабати билан чин юракдан самимий табриклиймиз! Келгуси ҳаётингиз кўёшдек порлок, тўлиқ ойдан қурағишон бўлиб дингиздаги орзу ва умидларингиз баҳор гулларидек ғунача очиб, мусаффо осмонимизга бўй чўзиб, барча ниyatларингиз рўйбга чиқиб, ҳаёт ўйларингизни ёритиб, яшнатиб турсин. Излаган имкон топади, деганларидек топган рафиқангиз мұҳаббат риштасидан яралган бўлсин. Оиласиган кошонасида сизларга баҳтдан-таҳт, садоқатли умр тилаймиз. Баҳт-саодатли ҳаёт кечиришинизда Сизларга омад ёр. Оллоҳ мададкор бўлсин деб ҳурмат билан Беруний, Элликқалъа, Косонсоид

ва Янгиз ўтманидан дўстларингиз КОМИЛ, КОДИР, МАШИРИБ, ЭРКАБОЙ, МУНАВVAR, МАҲМУДЖОН, ИСМОИЛЖОН, БАРНО ва уқаларингиз САҶДУЛЛА, ИБОДУЛЛА, ИСЛОМБЕК, АЛИБЕК, ЗУЛХУМОР ҳамда ЗАЙНАВХОН.

Корақалпогистон — Тошкент — Наманган.



Мехрибон Онажоним! Сизни қутлуг тугилган кунингиз билан чин юракдан табриклиймиз. Сиз баҳтимизга ҳамма сог-саломат бўлсин. Ишларингизда улкан мудаффақиятлар ёр бўлсин. Фарзандларингиз: Жамшид Пўлатов ва Шаҳноза. Тошкент шаҳри.

Хурматли ФАҲРИДДИН ака! 24-апрел таваллуд ку-

Дераза

ШАМОЛГА УЧДИ

Петропавловск-камчатскликлар иккимардумнинг улкан завут мўрисига тирмашиб чиқаётганига гувоҳ бўлиши. Улар бўлуси референдум ташвиқотчилари экан. Тарбиботчилар мўри тепасига чиқиб олиб, кўл силкиб нимадир деб бакиришади. Нима деб бакиришадиганини эса пастдагилар эшитмасди — мўри жуда баланд эди.

Маъруза сўнгидаги тарбиботчилар пастга варақа сочиши. Минг афуски, у халқнинг қўлига етиб бормади. Кучли шамол варада боради битта ҳам қолдирмай Тинк океанида, Америка томонга учирив кетди. [К. П.]

КУЁВ — МАСЛАҲАТЧИ

Филиппиннинг собиқ маликаси, 63 ёшли бева Имела Маркос турмушга чиқмоқчи. Бўлгуси кўёвнинг исми ҳозирча ўта сир сақланмоқда. Бироқ маҳаллий матбуот таҳмин қилишича, малика кўвлликка маслаҳатчиси — американлик Жеймс Пол Аинин танлайди. Айтишларича у Имела хонимнинг қўғун бўлган марҳум эри Фердинанд Маркоснинг хонини ватандан қайтариша ёрдам беради.

ЧИНГИЗ ОҒА ҚАЕРНИНГ ФУҚАРОСИ

Чингиз оға (Айтматов) нафақат қирғиз халқи, балки барча туркийларнинг севимли адаби, суюқли фарзанди десакада шашмаймиз. Ҳозир у киши Урисиянинг Люксембургдаги элчиси. Шу сабабли Чингиз оға Қирғизистон фуқаролигидан маҳрум бўлиши мумкин. Сабаб: Қирғизистонда иккича фуқаролики тақиқловчи қонун қабул қилинди.

АМЕРИКАДАН КЕЛИШАДИ

Мамлакатимизга шу ўйл 10-майда Колумбия университетидан уч домла, беш талаба келади. Улар иккича бизда, бир ҳафта қўнига бўлишиади. Максадларини оқтабрда Нью-Йоркда ўтказиладиган Ўрта Осиё бўйича илмий конференцияга мавзу یигиси, шунингдек, керакли одамларни тақлиф қилиш, деб хабар беради амриқолик мухлисимиз Мунавар Улғун хоним.

ГРИППНИНГ ДАВОСИ

Саримсоқпиеzs гриппга қарши шифо-бахш таъсир этар экан. Буни Перм вилояти (Урисия) Чайковск шаҳридан бояға ахли амалда ибтади. Хоналарга ҳар куни саримсоқпиеzs шарбати пуркаб турилган эди, кичинкитойлар грипп даёрги чалинмади. Айни пайтда шаҳарда эпидемия тарқалиб, ҳатто мактаблар 10 кунга ёпиб қўйилганди. [С-я]

нигиз билан чин юракдан табриклиймиз. Сизга тан сиҳатлик, хотиржамлик, узоқ умр тилаб ДИЛФУЗА, ДИЛЛОЛА.

ОРЗУБЕК!

Орзули сўзим, кўрар чўзим, ёргу изим, қўчкорим, тойчогим, бўталогим, бек болам! Ҳар мушти гуришади, кўзи ўйларсингиз қўйшиб бўладиган, ҳозирча мийшиғида куладиган улим, искасан гуллим, балки жони-дилим! Тўртга тўлишинг қутауг, ўйлинг улуғ, орзинг бўйлиг бўлсин деб онага номидан ҳам тилак тилаб: отанг АСРОР БЕК.

«Оила ва жамият» 16 (87)

Мени алдаганни Оллоҳ алдасин
Паноҳим дегандада паноҳ алдасин.
Ким зор-зор айлади, ағғор айлади,
Минг ағсус алдасин, минг оҳ алдасин.

Мен-эй, ёмонларга ёмонлигим йўқ,
Хар битта шарпда гумонлигим йўқ.
Кўзи деб, кўзимдан дарёлар оқси,
Шундан дил боғида омонлигим йўқ.

Дўстим деб заҳарлар ичдим, айбим шу.
Ярадор күшадек кўчдим, айбим шу.
Мана сув деди у, дарё деди у,
Сув кўрмай этикни ечдим, айбим шу.

Мен алдаб кўрмадим, қўлимдан келмас.
Тилёғмалик қўимоқ тилимдан келмас.
Ўзни танибламки, ўзгани алдаш
Ўзбек деб аталаған элизмдан келмас.

Сендан айру бунча адаштим,
Сароб сари югурдим шошибим.
Оёқости бўлмасдан шаштим,
Даштим мени бу йўлдан қайтар.

Вуҷудимни ўтларга қордим,
Гадой топмас жойларга бордим.
Бевафога бунча ёлвордим
Оллоҳ, мени бу йўлдан қайтар.

* * *

Тўққиз ойу, тўққиз кун ўтиб
Фарзанд кўрдим сизга ўхшар у
Шунда сизни қон бўлиб кутдим,
Ерда ётган нон бўлиб кутдим.
Аммо, сизни қарғаганим йўқ.
Билар эдим, чиллалик аёл

МЕН АЛДАБ КЎРМАДИМ, ҚЎЛИМДАН КЕЛМАС

Кўзимизга кириб қўмлар алдаган
Ўзегага қазиса чоҳ, чоҳ алдаган.
Биз билдиқ бизларни қўмлар алдаган.
Бизни алдаганни Оллоҳ алдасин.

* * *

Кўндан сени соғинмай қўйдим,
Кўзеш тўқмай, сигинмай қўйдим.
Пардек тўзиб, ўшигинмай қўйдим,
Ота, мени бу йўлдан қайтар.

Дардизларга дардимни айтдим,
Сотқинларга дил бериди қайтдим.
Келмай туриб енгилмоқ пайтим,
Дўстим, мени бу йўлдан қайтар.

Кирлар етмас тепа бўлай мен,
Сир очилмас ката бўлай мен.
Сенга лойиқ опа бўлай мен,
Синглим, мени бу йўлдан қайтар.

Қарғишлари ўлдиради — йўқ.
Болам бир кун оёққа турди
Ва эшик башини қўйшо
Сизни кўтди.
Маъюс, муштоқ бўлиб кутди у.
Нони увоқ бўлиб кутди у.
Карғамоқ-чун, оғиз жуфлатса,
Бармоқчасин ўтиб ёлвордим,
Оёқчилик ўтиб ёлвордим.
Аммо, сизни қарғатганим йўқ.
Билар эдил беғенуҳ ўйдак
Карғишлари ўлдиради — йўқ.
Сўнг карғишдан қаро тунларда
Гўдагимни қўксимга босиб,
Зор қақшадим қодир худога:
Карғамагин уни, худойим,
Карғамагин ўшани худо.
Худо менга қўюқ солмайди,
Сизни худо қарғайди оғам.

* * *

Тоғ, тоғ билан учрашмайди,
Сен тоғ бўлдинг, мен тоғ бўлдим.
Кор қоплаган, зор қоплаган,
Чорбог бўлдинг, чорбог бўлдим.
Канча итлар ҳурди менга,
Дилдор бўлдим, дилдор бўлдим.
Кон ўзгладим ўз-ўзимга
Сабоғ бўлдим, сабоғ бўлдим.
Кийикчалар сув ичсалар,
Бир баҳтиёр қирғоқ бўлдим.
Оқкуш пари чўмилганди
Оппоқ бўлдим, оппоқ бўлдим.
Кизғалдоқлар кўйлақ кийган,
Ўтлоқ бўлдим, ўтлоқ бўлдим.
Тош ютсада тилин тийган,
Кумлоқ бўлдим, қумлоқ бўлдим.
Бир кўрмадинг, ҳол сўрмадинг.
Кандоқ бўлдим, қандоқ бўлдим.
Бўшанг кўёв ўғирлатган
Кумлоқ бўлдим, белбоғ бўлдим.

Зулфия Мўмин қизи — 1959
йилда Самарқанд вилоятининг
Нарпай туманида туғилган.

Шоирни аҳли назми таъб ях-
ши билади, шеърларини севиб

ёд олади. Унинг «Бешиқдаги ду-
нё», «Ёнаётган аёл» китоблари
адабиётимизда катта воқеа бўл-

ди. Шоира қаерларда ишлама-
ди дейсиз, ниҳоят, ҳозир
«Спорт» рўзномасида хизмат

килаёттир. Эри — Фикратни ос-
мон қизини — камалак, деб би-
лади.

кўлидаги ҳаёт деган түғ...
Бир кечада қадалдими ўқ?
Бу не макр... қандайлар сир бор?! —
жанг қулатган ботирлар янглиг
Кўкси қонақ ётибди қирлар...
Кунлар тоза... топ — тозадир кун
Май ишандай сузилар кўзлар.
Кўёш титрап... кўкда бағри хун —
кўйдирмоқда заминни қизлар.
Энтида уягчан шомлар,
Дилда гўзл жисён тошади...
Баҳор севиб қолган сувлувинг
Тўшагида олма пишиади...
Кунлар тоза... топ — тозадир кун...

ҲОЛАТ

Таланелар!!!
О...
Оғ... оғришик!!!
Бунчалар лаззат!
Оғриблар кетдима, тишингиз?!
Карағлаааар!
танимадан гул үнди,
таним гул — учади ҳушингиз...
Олин — о,
кўнгилни кул этинг,
Бир кўнгил ўргулсан Сизлардан.
Кўнгил, жим!
ҳаққинг ўқ — безмагин
хиёнат урчсан кўзлардан.
Кутаман... сиралар қўрқмайман
шонларга кўмуюни ажалдан...
Гулларга ўраблар отурсиз —
гул эмас, отилур ханжарлар.
Сиз кутган кун келади бир кун,
Мен кутган кун келади бир кун,
Бир кун чарчаб ҳиқиламан — Чин
Лек топилар ҳузурингизда
ўлаётib қулмоққа кучим
Сўнг... олланур қонимдан дунё
Дунё — коса,
(оту тўладур...)
Руҳим ишар,
Кўчкор ҳиқилса...
Кўчкор кўкка қараб ўладур...

СЕВГИ

Шамол варакларнинг юракларига
Бир қишлоқ болани жойлаб учирар,
Кунлар сулувларнинг кўйлакларидан
Фалака туп-тиниқ нурлар ичирар.
Муштдайгина кекса кампирнинг
Дардларига даводир урчук —
Офтобишибоқ — умид, умрнинг



Қўчкор НОРҚОБИЛ —
1968 йилда Сурхондарё
вилоятининг Олтинсой туманида туғилган. Тошддин
журналистика фалкететини 1991 йил тутаган. Сурхон мукофоти
лауреати. Уйланган, икки фарзанди бор, ўғли —
Жавоҳир, қизи — Севинч. «Саодат» журналида ада-
биёт ва санъат бўлими мудири.

(Салим АШУРга)

Биз гулларнинг ўйларидаги овора бўлдик, Салим.
Биз дилларнинг тилларидаги фаввора бўлдик, Салим.
Биз шамларнинг гамларидаги тутадик шомларидан
Шомларидан қурувчи фовлара қўллиқ, Салим.
Бир осмон булутларни ютаверди кўзимиз,
Юракнинг ўйларига ботаверди изимиз.
Қўнгиллар очилмаган кўйдирги болгар кўрки —
гунчалари бағридан ётаверди сўзимиз.
Шамолларнинг қўлинида отилмаган киприклар
Аё бизнинг бағирни ой, аёвсиз тиликлар
Бизнинг бошда мотам бор, ўғлоғ, ўғлоғ, айролик,
Ишқ, деб ўвосб солмаса шиқи ҳискорин тириклар...
Биз олов-ла ўйнашиб... олов бўлдикма, Салим.
Кимни кимга талатдик..., талов бўлдикма, Салим.
Қўнгилмиз саҳросинда ўздан ўзган паноҳ йўқ
Юрагимиз бошинда ялов бўлдикга, Салим...
Тунлар нечун ўтиғдор, гарким бизлар ҳур ўлсак,
Улумми, вақт ёлаган япроқлардай қўрилсан
Фаҳим сўлмай ўлиш ҳақ, дунё ҳалодир Салим
Биз кун санам кўзиндан сувлар ичшиб тирилсан...
Биз гулларнинг тилларидаги «Сувара» бўлдик, Салим...





• ВЛАДИМИР ВИСОТСКИЙ:

СЕВГИ МАМЛАКАТИ-БУЮК МАМЛАКАТ!

Қайта қуриш даври бошланди-ю, у ҳақда гапириш, ёзиш русм бўлди. Барча дебрли бир хил гапларни тақоррларди:

«Биз бугун айтишга жазм этаётган гапларни Висотский анча йиллар олдин ўз қўшиклирида айтиб кетганди».

«Висотский ўлмаганда бугун ҳам кўп яхши қўшиклир ҳарорат эди».

Айрим «ишибилармонлар» учун эса у тайёр даромад манбаига айланди. Улар Висотскийнинг сувратларига, қўшиклири ўзилган оҳанграбо тасмалари ва дискларга, у ҳақидаги китобларга қизиқишининг, талабининг катталигидан усталик билан фойдаланиб қолдилар...

Ҳа, Висотский ўлмаганда...

Лекин афсуски, у ўйли кетди. Қўшиклири билан минглаб қалбларга малҳам бўлиб, ўзи эса бу ҳаётдан малҳам, ҳамдард тополмай ўйли кетди. Китоб чиқариш у ёқда турсин, ақалли бирорта шеърини газет-журналларда бостиrolмай армонда кетди. Агар ўша пайтлари унга ҳамдард, ҳамфирлар топилганди, оғзига эътибор бўлганда, эҳтимол у ҳозир биз билан яшаб юрган бўлармиди?

Ундан: «Қўйлингиздан ҳамма иш келганди, энг яқин кишинингизга нима бе-рардингиз?» деб сўрашганда: «Яна бир умр берган бўлар эдим», деб жавоб қилганди. Ҳа, у агар қўлидан келса, узгаларга яна бир умр беришга тайёр эди. Лекин бу ҳаётда ўзи бор-йўй 42 йил умр кўрди.

Секинроқ, асов отлар! Асов отлар, секинроқ! Яшашга улгурмадим, куйлашга ҳам...

ВИСОТСКИЙНИНГ БЕВАСИ, ТАНИКЛИ ФАРАНГ КИНОАРТИСТИ МАРИНА

ВЛАДИНИНГ «ВЛАДИМИР» КИТОБИДАН:

«Ўн ойлик сафарим қариб, Москвадан кетаяпман: «Эр Франс» компаниясига қарашли тайёргара чиқувчи ўйловчиларни рўйхатга олиш бошланди. Қўйлардо ўз билан хайрлашдик. Вестивюл томон бораётган эдим. Тайёрларни учни тўрт соатга кечтирилганини эълон қўлиб қўлишид. Мен яна сенинг қўтогингга отидим. Сен тинмай болаларимни олиб Москвага кўчиб келишишим, сенга турмушга чиқишишим илтимос қўлардинг. Севгининг куни шу қадар қўдатлики, мен ҳақиқатдан ҳам ҳамма нарасадан воз кечиб бу ерга кўчиб келишига, онага билан яшашга рози эдим. Биз ҳиссиятларга берилуб, у ёқда менинг уз фарзандим, оном, каттагина ўйим борлигини, яхшишина даромадда эга эканимни, бу ёқда эса сенинг икки фарзандинге, тўққис квадрат метрлик квартирада турадиган онаге борлишини унгутаёзсан эдик. Сен 150 сўм маони оласан. Бу пулга бир жуфт яхши туфли сотиб олиш мумкин. Сен ўз касбингни севасан, бирориши шилайсан, айни пайтада мамлакатдан кета олмайсан. Сенинг ҳаётине оғир. Мабодо бизнинг ўйларимиз айро тушиш, нима бўлшишини тасаввур ҳам қиза олмайсан...

Ўйимга кириб бормасидан телефон жиринглади. Биламан, бу сен. Менинг кузатиб, ҳалқаро телефон стансиясига юргургансан. Уч минутлик сухбатимизнинг оҳирида сен:

— Тезроқ қайтиб кел. Сенсиз қийналиб кетаман,— дединге.

Мен шу кундан Совет Иттифоқига бориш учун руҳсат олишине ўйларини бошлигидан...

Владимир Висотский 450 га яқин қўйшик ҳарорати. Уларнинг дебрли барчasi оҳанграбо тасмаларида, ғрам-пластинкалар, кинофильмлар орқали

сақланниб қолган. У Таганка театрида ишлаган даврида 30 га яқин рол ижро этди. Жумладан, «Галилейнинг ҳаёт» спектаклида Галилей, «Пугачев»да Хлопушка, «Жиноят ва жазоҳда Свидригайлор ролларини маҳорат билан ўнайди. Шубҳасиз, унга катта шуҳрат келтирган рол Шекспирнинг шоҳ асари «Ҳамлет»даги бош ҳақарон Ҳамлетни ўнагани бўлди. Висотский бу ролни Москвада, Ленинград, Минск, Тифлис каби ўнлаб шахарларда, Венгрия, Фарангистон, Булғория синегари хориж мамлакатларида жами 217 марта ижро этди.

У кинодеяаста гастлабки ролини 1959 ўйлда ўнаган ёди. Шундан сўнг у умрингин оҳиригача 30 дан ортиқ бадий ва телефильмларда катта-кичик роллар ижро этди. Биргина «Чурашниж» жойини ўзегартиши мумкин эмас, кўп серияни телефонидаги Жеглов ролининг ўзи ҳам Висотскийнинг катта иктидоридан далолат беради. Унинг иштирокидаги «Интервенция» фильмни кўп эмас, кам эмас 19 ўйл экран юзини кўрмай, таъкик остида қолди.

Шунчак мөнгатига қарамай, Висотский на ёзувчилар на бастакорлар ўюшмасига атзо эди. Ҳар гал бу ўюшмаларга мурожаат этганида аризасини қайтириб беришарди. Вафотидан бир ҳафта бурун СССР ёзувчилар ўюшмасининг бошқаруви уни атозоликка нолойик деб топанди.

«Ёмон яхши одам» фильмидаги роли учун Италиядан ўтказилган Ҳалқаро кинофестивалда, Жеглов роли учун эса Еревандан бўлиб ўтган Бутуниттифоқ, кинофестивалидаги маҳсус мукофотлар билан тақдирланди. СССР Давлат мукофотига саъзовор бўлди. «Аса» номли ва бошқа бир неча

мониядан қайтаяпмиз. Полша чега расидан ўтиб, янги Смоленск шоссесига чиқдик. У бўлажак олимпиада ўйинлари муносабати билан қурилган. Сен гурурланиб:

— Энди алмисокдан қолган эски ўйлар ўйқ, бемалол газни босавер,— дединг.

Машина бор тезликини гели борар, мени эса ўйла бирорта бешигинан ўйқилиши, ҳар жой-ҳар жойда қақчашиб турган экскаваторлардан бошқа машиналарнинг учрамаётганлиги ташвишига соли бошлади. Сен: «Бу ўнга якшабга бўлгани учун иш куни эмас, шунга ҳамма ёқ жимит», дединг. Буни шунчалик ишончи билан айтдинги, тезликни камайтириши хайдимга ҳам келмади. 90 километрча юрганимдан сўнг ўйламлаша бошлади. Мен ҳали ўзимни ўнглаб олгунимча бўлмай, шоқолад рангидаги ажойиб машинамиз турроқ ўюнга бориб тикишиб қолди. Шоссенинг қурилиши ҳали битмаган экан. Ҳудоги шукур шикаст емадик. Ўрмонда иккича соатча юриб, ёки ўйла чиқаб олдик.

— Янги шоссе битсин, у ҳали дунёдай энг зўр ўйлаб бўлиб қолади,— дединг сен.

Ҳар доим ва ҳар қандай шароитда ҳам ватанпарварлик ҳиссини ўйқотмасликка қодирлигингга яна бир карара аммо бўладим...»

Ҳозир кўп давраларда сұхбат турмушининг оғирлиги-ю, қўймачликдан нолиши билан бошланниши ўйлаб, ўншада Висотский ҳам «Бу ўйлар қаочон этакага келаркин-а, жонгаян тегди», дейши мумкин ёзи-ку, дедим ўзимга ўзим. Йўқ, ёйқ, мен адашиб. Висотский ҳеч қаочон бундай демасди. Чунки ўндаги Ватанга мұхаббат ҳисси бунга ўйл кўймасди.

ВИСОТСКИЙ ҲАҚИДАГИ БУГУНГИ ГАПЛАРДАН:

«Одамлар Висотский қўшиклиарини тинглаб ўзларининг инсон эканликларини англайдилар» [В. Шкловский]. «Висотский ҳар доим ҳамма нарса ҳақида фақат тўғрисини кўйларди» [М. Улянов].

«Висотский бугун биз учун тумор, ёйинки ҳайкал эмас. У ҳаммамиз учун тирик инсон. Оғир пайтларда унинг елкасига кўйиб суюни мумкин. Унинг ижоди бизга сабодан сабоқ беради» [Р. Рождественский].

Эвон, дунёнинг ишлари доим шунақа экан. Тириклигига уни тушнадиган, қўллайдиган бир ҳамдард, ҳамфирк ҳойд эди. Бугун эса ҳамма унга суюнини истайди...

Машур мультплікатор В. Котёночкинининг ётироф этишича, у «Сеними шошмай тур!» мультсералидаги бўри ролига овоз бериш учун Висотскийни таклиф этади. Лекин нуғузли бадий кенгаш жон-жаҳди билан бунга қарши чиқади.

Владимир Висотский 1980 йилнинг 25 июлида вафот этади. Бу ҳақда бирорта рўзнома лом-мим демайди. Faqat «Вечерняя Москвагина тўрт энлик таъзиянома чиқарди. Шунга қарамай минглаб масковликлар у билан видолашгани кўчаларга чиқадилар. Айтишларича, мұхлислар Ваганков қабристонидаги унинг қабри устида 300 гитарани синдириб мотам тутишган экан.

Бугун Москвага бориб Ваганков қабристонига кирган кишининг қўзи биринч бўлиб Висотскийнинг қабри ўстига ўрнатилган ёдгорликка тушади. Унда Висотскийнинг гитараси билан тасвирланган. Ҳудди тириқади. Гўё ҳозир гитарани қўлига олиб кўйлашни бошлидигандай:

Дунёда байроқлар хилма-хил,

яркоқлар ҳар ҳил,

имкони бўлса гар, бири-бирин ямлагай,

мен эса бўғзимни ўиртиб кўйладим:

«Севги мамлакати — буюк мамлакат!»

МАРИНА ВЛАДИНИНГ КИТОБИДАН:

1980 йилнинг шулига ҳали анча бор. Янги спорт машинасида Ғарбий Ол-

Даврон БЕК тайёрлади



ралар бизни чиниқтиради. Мен у кишидан (бу касбда 35 йилдан бери ишлайдилар) жуда күп нарсанын ўргандим.

— Ҳар қандай зиёли оила каби журналистникин оиласи ҳам бозор иқтисоди даврида қийналиши турган гап...

— Тўғри. Ҳозир журналистинг оладиган маоши кам. Лекин биз ҳамиша қаноат қилиб яшашга ўрганганимиз. Болаларимизни ҳам шу рұхда тарбия этганимиз. Ҳудога шукр. Ўлар ҳали нафси ҳакалам отиб, бөш панжасини беш ёққа сүккани йўқ. Бозор иқтисоди — кўрга келган тўй. Инсоннинг, яъни қариндош-уругнинг ҳам, дўстнинг ҳам, бегонанинг ҳам кимлиги ана шундай пайтларда синалади. Ҳудонинг кўрсатган кунига шукр, қилиб юримиз. Танг аҳволдан чиқаман деб ўзимизни ўтга-чўкича уриш йўқ. Бу бизнинг укувсизлигимиздан эмас, балки ўзгалар ризқига кўнгизишадан ўзимизни тиянишимиздан.

— Сиз «Муштум»нинг я-

— Қутбикон опа, ижодкор аёл ҳамиша ўйда ҳам, кўчада ҳам, ишда ҳам ҳурлика, эрка интилиб яшайди. Аммо кўп ҳолларда бу тўйгани тўймоқ, унинг қалбида асрӣ армон бўлиб қолади. Яъни армон ҳисса сизга танишми!

— Ҳурлик, эрк нима? Бу эрлар билан тенг ҳукукли бўлиб яшашми? Бунинг мазасини биз? 70 йилдан бери тотиб келдик. Кўксимида унинг таҳири қолди. Тенг ҳукукли бўлиб яшаб елкамизга оғир ўюни осиб олдик. Ҳатто унинг оғирлигидан ўзинга қарашга ҳам куч тополмайсан. Тўғри, биз журналист аёллар ана шу «хур» бўлган ҳилларимизни осмоналарга олиб чиқиб мақтадик. «Биз баҳтиёрмиз», деб оғиз кўптиридик. Аслида шундай эдими? Сиз айтган дек, асрӣ армон бўлиб қолаётган ҳурлик, эрка энди эриштаётмиз десак арзизди. Ўзбек аёли аслида оналик бурчи учун эркини ҳам қурбон қилиб юборади. Ва худа ана шу оналик, аёллик, бека-

дек, ота-боладек, ака-уқадек гаплашиб кета оламан. Тили бошқа-о дили бошқа, мансираган, ўзининг обрўси, бойлиги туфайли ўзгларни месимай қолган одамлар худого ҳам хуш келмас экан. Бандасига банда қиласа, ўзингга банда қиласа дея худога ёлвораман. Шу кунда одамлар жуда ўзгариб кетди. Мен тез ишонувчаман. Бир одам билан сұхбатлашиб турив, қандай яхши одам-а, деб турганинда, бир лаҳзада унинг бошқача қиёфаси кўриниб колса, ўз-ўзимдан уялиб кетаман. Бундай одамлардан кўнглим тез қолади.

— Сизнинг тўрт ўғлинигиз бор. Демак, тўрт томонингда темир қалқон. Баҳтиёрмиз. Улар ўрнига тўртта қиз бўлса, яна улар ҳам сиздек мураккаб журналистлик касбига мояиллик билдиришиша нима деган бўлардингиз?

— Оҳ, кошкайди кизларим бўлса. Уларга: бошингни ачитмасдан, бир уйнинг бекаси бўлиб, эрни Ватан тутиб, болаларинга яхши тар-

«МУШТУМ»НИНГ МЎМИН ҚИЗИ

Кутби НОСИР қизи бу йил ёшида биринчи невара кўрди, яъни 26 йилда оиласида қиз бола — Нодироҳон туғлиди. Тўрт ўғиллик тўра хотин. Таникли журналист, ёзувчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти совриндори, «Муштум» журналида бўлым мудири, таҳрир ҳайъати аъзоси.

— Кутбикон опа, аввало табаррук ёшингиз муборак! Мана 30 йиллик умрингиз қалам фармонидаги ўтибди. Зар қадрингиз заргар билганинек, бу касб машақати кўлига қалам тушгандаргагина аён. Оғир ҳам, енгили ҳам кўз устида. Ҳеч журналист бўлганингизга афсусланганимиз!

— Мен доим даврнинг илғор фикрли кишилари билан мулокотда бўлдим. Улар ҳамма вақт замондан илгари юрадилар, аввалидан кўрадилар, хис этадилар. Уларнинг дунёкариши, зехни, ақлини мен одамларга матбуот орқали улашиши ҳаракат қилидим. Журналист одамларда миллий оғнин ўйтотса, миллат фурурини миллат байроғи мисол жаҳон узра баланд кўтаришга чорласа — бу баҳт. Фикрий курашларда енгиг чиқса — бу баҳт. Ёзган бир мақолоса энг оддий киши томонидан тилга олинса — бу баҳт. Шу сабаб мен ўз касбидан афсусланмайман, балки фарҳланаман.

— «Муштум»га тасодиф келиб қолтанимисиз!

— Бундай қарангандага тасодифга ўхшайди. Аммо ҳам қандай тасодиф асосида за-

рурат ётади. Дорилғунуннинг филология факултетини 1965 йили тутгатдим. Ўқитувчидан кўра журналист бўлиш менинг болалик орзумиз эди. Гафур Ғулом нашриётини Рамз Бобоқон шеърларимиз ўқиб чиқидиларда, ҳозирча шу ерда оддий ишда ишлаб туринг, дедилар. Ўн беш кундан сўнг ўзлари кўлимдан етаклаб «Муштум»га олиб тушдилар. Мирмуҳсин домлуга танишилтирилар. Бу ерда мусахихлик ўрни бўш экан. Шу-шу ишлаб кетдим. Ишдан ишга кўчиб юришини ёқтирамаган учуними, ҳанузгача шу ерда ишлаб юрибман.

— Тўрмуш ўртоғингиз

Маҳкам ака РИХСИЕВ ҳам таникли радио журналист. Касбларигиз бир хиллиги бир-бирларингизга ҳалақи бермайдими!

— Касбимизнинг бир хиллиги бир-биримизни тўлдиради, холос. Фикримиз эса доимо — бир ердан чиқавермайди. Биз кўп тортишамиз, бўзсан бир-биримизни мъъкуллаймиз, бўзсан... Аммо, бу даҳанаки тортишишлар онлавий ҳаётга таъсир этмайди. Балки баҳс, муноза-

лик бурчидаги ўз эркини топади. Бу хис менга жуда якин.

— Сұхбатимиз расмий тус олиб кетди, назаримиз. Келинг, сизни қувонтирган ва қувонтириш мумкин бўлган паҳзалар, машгулотлар ҳақида гаплашибайлик.

— Мени биринчи қувонтирган паҳзалар... Қувонч ва ташвиши ҳамиша ёнма-ён келади. Қувончга эришишнинг ўзи бўлмайди. У сендан фидойилини талаб этади. Мактабда ўқиб юрган пайтимда ота-оналар йигитлишида отами ѡзига-хайъатга чиқариб эъзозлаб ўтқизиб қўйишиганди, отам уйга келиб: «Худога шукр, қизим туйфайли таҳтга ўтириб келдим» деганларидаги қувончли паҳзаларимни эслайман. Биринчи шъерим газетада чиқканда мактаб директоримиз Ҳакимжон ака Ҳошимов бутун ўқувчиликни залга тўплаб, ушбу шъерни ўқитганларини қувонч билан эслайман. Мен оддий одамлар ѡзига-хайъатга бўлдим.

Ижодкор аёл қалби гулдан

нозик бўлади. Унга бир оғиз

ширин сўз, бир қадар ёзтиб

бор кифоя. У ўзида қанот

пайдо этади. Ижодкор эр

кишиими, аёлми, ким бўлиши

дан қатъин назар, сени ҳам-

касбинг бўлиб, тушунолса,

янги фикр берса, дунёкара-

ши, феъли кенг бўлса, у би-

лан бир сафда ишлаш осон

бўлади, албатта.

бия бериб ўтиранг, мустакил Ўзбекистонга соглом авлад етиштиришда энг катта хиссанг шу бўлади, дердим.

— «Муштум»да қаламигиз қиличга айлангани ҳақида «миш-миш»лар юради. Қураш майдонида юрагингизда ўқрив ҳеч ғулупа согланим!

— Ҳа, «Муштум» ҳаётидаги алғов-далғови йиллар кўп бўлган. Ана шу кунлар мазасини мен ҳам тотганиманд. Ҳудога шукр. Ҳали тушунаркан. Ушакунлар мени гул кўтариб, табриклаб, вилоят, туманлардан гурас-гурас одамлар келганда, устоzlар, талабалар, «сиз ҳақсиз» деб таскин бериб халқдан тинимиз сиз қўллаб-куватловчи хатлар олганимда, бас; шунинг ўзи етади, энди мени отиб юбориша ҳам майли, деган онларим бўлган. Ана шунда кўркув, ғулгула ўрнини цикжат олгани ёдимда. Минг афсуски, балзи ҳамкасларимиз ана шу пайдада «ҳайбара-каллачи» бўлгани алам қиласа.

— Кутбикон опа, бугунги муборак айёмда сизга узоқумр ва «қўйичинингизнинг» дами ҳеч қаҷон қайтаслигини тилаб қоламиш.

— Сизга ҳам бир чеккада юрган журналистни эслаб, сұхбатлашганингиз учун раҳмат.

Санобар ФАХРИДДИНОВА сұхбатлашиди

Бош мұҳаррр:

Абдулоҳим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Даҳаҳон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Мұхаббат ИБОДОВА, Юсуф ЗИЕД [бош мұҳаррр ўринбосари], Ботир ЭРНАЗАР [масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Қувондик БЕРДИЕРОВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсолом УСАНОВ, Уроп ЎЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумутолиб РИЗОҚУЛОВ, Мейнӣ ИУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Галлаорол туманидаги «Галлаорол», Муборак туманидаги «Хитой давлат хўзурлиги», Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлар корхонаси

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Намойишлар хиёбони, 1-бино.
Телефон: 39-43-95.

Уроп ЎЗБЕК навбатчилик қиласи

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 000080. Буюртма № Г-141. 46.898 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди, формати А-3, жаҳами 2 босма табоқ.